

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2023 йил
22 сентябрь,
жума
№ 41 (971)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯМИЗ – БМТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА УЙҒУН ВА ҲАМОҲАНГ

“Биз Асосий қонунимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги принципларига садоқатимизни яна бир бор тасдиқладик. Мана шундай ҳуқуқий асосда “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегиясини қабул қилдик. Бу стратегия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га уйғун бўлиб, биз ўз зиммामизга олган барча мажбуриятларни тўла ва қатъий бажармоқдамиз”.

Ушбу фикрларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида 2023 йил 19 сентябрь кuni сўзлаган нуткидан иқтибос сифатида келтирдик. Шу кунларда давлатимиз раҳбари жорий йил 11 сентябрда тасдиқлаган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти жамоатчилигимиз орасида кенг тарғиб этилмоқда.

Бинобарин, жорий йилнинг ўтган даврида халқимиз иккита йирик ижтимоий-сиёсий воқеанинг нафақат гувоҳи, балки тўғридан-тўғри иштирокчиси ҳам бўлди. Бу муҳим демократик жараёнлардан бири 30 апрелдаги умумхалқ референдумида янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилингани бўлса, яна бири 9 июлда мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилганидир.

Ана шу муҳим воқеликлар, ўз навбатида, жамиятимизнинг сиёсий етуқчилигини, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор амалда тасдиқлади. Бинобарин, мамлакатимизнинг янгиланган конституциявий-ҳуқуқий заминидан миллий тараққиётнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш, шиддатли ва кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш давр талабига айланди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси шу долзарб ва муҳим талабнинг ҳозиржавоб меваси, таъбир жоиз бўлса, истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ўзида ифодалаган миллий ғоямиздир. Чунки ушбу Стратегия халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги йилларда Ҳаракатлар стратегияси ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилган. Биринчи амалга оширилган ва иккинчиси изчил бажарилаётган мазкур стратегиялардан “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг фарқи ва ўзига хос хусусиятлари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Авваламбор, мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган 32 йили мобайнида биринчи маротаба бундай узоқ муддатга, яъни 7 йилга мўлжалланган қамровдор миллий тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Бу юксак марра:

бир томондан, давлатимиз ва

жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги барқарорлик, тараққиёт ва бунёдкорликнинг ўзига хос инъикоси; **иккинчи томондан,** изчил ва шиддатли демократик ислохотларимизга халқимиз ҳамда жаҳон ҳамжамияти билдираётган ишонч ҳамда рағбатнинг яққол ифодасидир.

Ушбу дастуриламал ҳужжатда қуйидаги асосий ғоялар акс этган:

- барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;
- аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этиш;
- аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;
- халқ ҳизматидаги адолатли ва замонавий давлат барпо этиш;
- мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш.

Бошқача айтганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад-вазифалар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун ўзига хос “йўл харитаси” вазифасини ўтайди. Мазкур Стратегияни амалга ошириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг энг устувор вазифасидир.

Эътибор беринг: **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жами 100 та мақсад, 369 та чора-тадбир, 190 та вазифа, 306 та мақсадли кўрсаткич бажарилиши ва бу борада 118 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.** Ушбу дастуриламал ҳужжатнинг ижросидан юртимиздаги ҳар бир инсонга – қулай имконият, муайян энгилликлар, моддий ва маънавий манфаат етиб, ҳар қайси оила ва хонадон ободлик, тўкинлик, фойз ва барака топади.

Стратегиядаги жами 100 та мақсад қуйидаги 5 та устувор йўналиш

бўйича тақсимланган:

биринчи устувор йўналиш – ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун муносиб шароитлар яратиш;

иккинчи устувор йўналиш – барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

учинчи устувор йўналиш – сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

тўртинчи устувор йўналиш – қонун устуворлигини таъминлаш, халқ ҳизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

бешинчи устувор йўналиш – “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” таъминлиги асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

Олий Мажлис палаталари бошқа барча давлат ҳокимияти идоралари қатори «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасидаги вазифаларни амалга оширишга аллақачон киришди. Бу, биз – халқ ноиблари учун нафақат улкан масъулият, айна чоғда катта шараф ҳамдир.

Бу ҳақда фикр юритганда, хусусан, Стратегияда белгиланган Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш мақсадига муҳтасар тўхталмоқчиман. Бинобарин, ушбу мақсад ижроси ҳисобига:

биринчидан, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш ҳажмини 100 фоизга етказиш;

иккинчидан, парламент ва унинг органлари иш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш;

учинчидан, сайловчилар билан электрон мулоқот қилиш, депутат сўровини электрон тарзда юбориш ва назорат қилиш имкониятини таъминлаш каби асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришиш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини кафолатли ҳимоя қилиш, биологик хилма-хилликни асраб-авайлаш, энг муҳими, аҳолининг қулай экологик муҳитда хавфсиз яшашини таъминлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган.

Моҳият

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда



Олий Мажлис Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **“Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида**”ги қонун ҳам айна ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу янги қонун билан жисмоний шахслар томони-

дан сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонларнинг рўйхати, шунингдек, рўйхатга киритилган ёввойи ҳайвонларни юридик шахслар томонидан сақлаш тартибини белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклатилмоқда.

Янада муҳими, янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда давлатнинг мажбуриятлари тубдан оширилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Адолат – халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзуликлар манбаи бўлиб келган. Унинг устуворлигини таъминлашда давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи ҳисобланувчи суд тизимининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта.

Мезон

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИГА айланмоқда



Бунинг учун аввало судьялар фуқаролар билан мулоқот қилиш, халқимизнинг дарду ташвишлари, орзу-умидлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиши керак. Шу боис кейинги йилларда юртимизда фуқаролар-

нинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали юртдошларимизнинг суд тизимига ишончини мустаҳкамлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Тарих тилсимлари

Буюк салтанат ШАЖАРАСИ

ёхуд Амир Темур фарзандлари

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темурнинг икки қизи ва тўрт нафар ўғли бўлган. Қизлардан бирининг исми Огабегим бўлиб, у Султон Ҳусайннинг онаси эди. Лекин қизлардан бири ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган. Соҳибқироннинг Жаҳонگیر, Умаршайх, Мирношоҳ ва Шохруҳ Мирзо исмли тўрт ўғли бўлиб, уларнинг иккитаси Амир Темур ҳаётлигидаёқ вафот этган.

(Давоми 4-бетда) ►



Маслаҳат

ИСТЕЪМОЛЧИ: унинг ҳуқуқлари нималардан иборат?



Ҳаётда ҳар биримиз кундалик эҳтиёждан келиб чиқиб, истеъмолчига айланамиз, яъни маҳсулотлар харид қиламиз, турли хил хизматлардан фойдаланамиз.

Ҳўш, истеъмолчи сифатида қандай ҳуқуқларга эга эканлигимизни биламизми? Ҳолбуки, истеъмолчининг қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқларини билиш ва амалда қўллаш ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Қуйида шу ҳақда фикр юритамиз.

1. ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАР ҚАНДАЙ МАҲСУЛОТ ХАРИД ҚИЛИШДАН ОЛДИН У ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИБ ЧИҚИШИ ПОЗИМ

Аниқроғи, қонун талабига кўра, сотувчи истеъмолчиға маҳсулот ҳақида аниқ ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Маҳсулот ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

- маҳсулот номи;
- унинг хусусиятлари;
- нархи ва сотиб олиш шартлари;

— ишлаб чиқарилган санаси;

- хавфсиз фойдаланиш қоидалари;

- яроқлилик муддати;
- яроқлилик муддати тугагандан кейин келиб чиқадиган оқибатлар тўғрисидаги

маълумотлар;

- хавфсиз сақлаш шартлари;
- ишлаб чиқарган мамлакат номи,

— ишлаб чиқарувчининг тўлиқ номи ва жойлашган манзили.

Маҳсулот тўғрисидаги маълумот давлат тилида ёки бошқа тилларда тақдим этилади.

Маҳсулот ҳақидаги зарур ахборотнинг мавжуд эмаслиги тегишли орган кўрсатмасига асосан бундай маҳсулотни сотувдан тўхтатишга асос бўлади.

(Давоми 3-бетда) ►

Таҳлил ва таклиф

МУРОСА МЕЗОНЛАРИ

ёхуд судларда медиация келишувини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари



Ижтимоий ҳаётда турли субъектларнинг манфаатлари тўқнашувчи, улар ўртасида баҳс-мунозара ва низоларнинг келиб чиқиши табиий. Одатда, бундай низолар суд орқали ва муқобил усуллар билан ҳал қилинади. Низоларни муқобил усулларда ҳал этиш тартиби қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топган.

Хусусан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 131-моддасида тарафлар низоини муқобил усуллар билан, яъни келишув битими ёки меди-

атив келишувни тузиб ҳал этиши мумкинлиги белгиланган. Бунда келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш

бўйича тузилиши мумкин.

Шу ўринда **“медиация”** сўзининг маъносига тўхталадиган бўлсак, у лотин тилидаги **“mediare”** сўзидан олинган бўлиб, воситачилик ёки ҳакамлик қилиш, келиштириш орқали низоини ҳал этиш деган маънони билдиради.

(Давоми 2-бетда) ►

Хуқуқий ҳимоя

ТАДБИРКОР аёл манфаати

суд томонидан ҳимоя қилинди

Шу йилнинг 18 август кuni Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз тадбиркорлари билан очик мулоқоти бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари тадбиркорлар учун яна бир қатор қулайлик ва имкониятлар яратиб берилишини маълум қилди. Энг эътиборлиси, тадбиркорлар Президент ҳимоясида экани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 3-бетда) ►



МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯМИЗ – БМТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА УЙЎҒУН ВА ҲАМОҲАНГ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бунинг учун Олий Мажлис палаталари фаолиятига оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, парламент органлари томонидан қарорлар қабул қилиш ва эълон қилиш жараёнларини рақамлаштириш, қонун ҳужжатларидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш тизимини мукамаллаштириш, қонунлар ижросини таъминлашда парламент ва сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш, жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш — шу каби кўплаб муҳим вазифаларни бажаришимиз зарур.

Стратегияда, шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятининг ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш мақсади ҳам белгиланган бўлиб, унинг ижросида ҳам парламентнинг фаол иштироки таъқоз этилади. Ушбу мақсад тўлиқ бажарилса:

- қонунчилик ҳужжатларини тартибга солиш юқини камида 30 фоиз қисқартириш;
- умумий тусдаги, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг улущини камида 60 фоизга етказиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойларда ижроси амалда таъминланиши бўйича тизимли мониторингнинг йўлга қўйишдан иборат бўлган сезиларли самарадорлик кўрсаткичларига эришилади.

Бу, ўз навбатида, қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, ҳуқуқ тизими рақобатбардошлигини ошириш, содда ва ихчам қонунчилик тизими ҳамда қулай ҳуқуқий шароитлар яратиш, шунингдек, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, норма ижодкорлиги жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, қонунчилик таклифларини илгари суриш бўйича янги конституциявий институт механизмларини жорий этиш сингари вазифаларни изчил амалга оширишни талаб қилади.

Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида эътироф этганидек, **“Сўнги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича эътиборга лойиқ натижаларга эришдик”**. Табиийки, янги Стратегиямизда бу борада янги марраларни белгилаб олдик ва бунга айрим мисоллар келтираман.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида, хусусан, кейинги етти йилда аҳолининг ўртача умр давомийлигини 78 ёшга етказиш белгиланган. Бу, таъбир жоиз бўлса, инсоннинг яшаш ва соғлигини сақлашига оид конституциявий ҳуқуқлари янада тўлиқ рўйбга чиқишига хизмат қилади.

Тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этишга эришиш кўзда тутилмоқда. Бу эзгу мақсад – инсоннинг соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланишга тааллуқли конституциявий ҳуқуқлари таъминланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Болаларни мактабга-ча таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб

олиш, “Топ-500”га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида “икки дипломли тизим”ни жорий этиш режалаштирилмоқда. Стратегияда инсоннинг таълим олишга доир конституциявий ҳуқуқини янада таъминлашга хизмат қиладиган бундай аниқ мақсад-вазифалар анчагина.

Яна бир мисол: “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосида 2026 йилга қадар камабағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин камайитириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Шунингдек, камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳолининг даромадларини ошириш чоралари кўрилади.

Бундай инсонпарвар ёндашув янги тахрирдаги Конституциямизнинг 42-моддасидаги **“Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга”**, деган нормасига тўлиқ мос келади. Аввалги Конституция матнида мазкур норма мавжуд эмас эди.

Бундан ташқари Стратегия доирасида илм-фан ва инновациялар соҳаси, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ёшларга оид давлат сиёсати ва спортни оммалаштириш, маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича амалга оширилаётган барча ислохотларда инсон, инсоннинг қадри, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этади.

Яъни ушбу дастурий ҳужжатнинг нафақат 5 та устувор йўналиши ва 100 та асосий мақсади билан қамраб олинган барча муҳим вазифа ҳамда амлий чора-тадбирлар, айна чоғда ҳужжат матнидаги ҳар бир жумланинг туб моҳиятига инсон қадри, инсон ҳуқуқлари, инсон манфаати тушунчалари теран сингдирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида эътироф этганидек, **“Барчанинг фидокорона меҳнатимиз, ғайрату шижоатимиз билан Янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Халқаро майдонда Ватанимизга нисбатан ҳурмат ва эътибор тобора ортиб бормоқда”**. Бинобарин, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси жамиятимиз ва давлатимизнинг ана шу ютуқларини янада улғувор натижалар билан мустаҳкамлаши ҳамда бойитиши муқаррар.

Акмал САИДОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси Спикери

биринчи ўринбосари,

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси

Миллий маркази директори

Мезон

Маъмурий судлар ишончли ҳимоячига айланмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш, давлат идораларининг халқ учун хизмат қилишини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий мақсадларидандир. Бу борада маъмурий судларнинг ташкил этилиши тизим ривожиди муҳим қадам бўлди ва у бугун амалда ўзини тўлиқ оқламоқда.

Маъмурий судлар фуқаро ёки тадбиркорлар ҳуқуқларини давлат идоралари томонидан бузилишининг олдини олиш, уларни ноқонуний қарорлар, ҳаракатлардан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Ўтган қисқа даврда маъмурий судлар томонидан чиқарилган адолатли қарорлар туфайли қанчадан-қанча хонадонларга қувонч ва фаровонлик қайтди.

Мамлакатимизда маъмурий судлар тизими ташкил этилганидан буён, яъни 2017 йилдан то 2023 йилнинг биринчи ярмигача 94 минг 967 та оммавий низо кўриб чиқилган. Шундан 57 минг 671 та иш бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Жумладан, маҳаллий ҳокимликларнинг 8 минг 474 та қарори ноқонунийлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб топилган.

Шуни таъкидлаш керакки, 2023

йил 26 апрелда қабул қилинган **“Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**-ги қонун бу борада янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қонуннинг асосий мазмуни давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштиришга қаратилган. Бундан кўзланган мақсад, албатта, айна соҳаларда қо-



нунийлик ва адолатни ўрнатиш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишдан иборатдир. Янги қонун билан суд тизимида “Ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш тизими жорий қилинди. Илгари судларга аризалар фақатгина тааллуқлилик тамойили асосида қабул қилинади.

Эндиликда судлар барча турдаги аризаларни қабул қилади. Агар қабул қилинган ариза мазкур суд фаолиятига тааллуқли бўлмаса, тегишли бўғим судларига юборилади.

Шунингдек, фуқаролар томонидан давлат идоралари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари ё ҳаракатсизлиги устидан маъмурий судга ариза ёки шикоят берилган тақдирда, давлат божини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида тўлаш имконияти яратилди.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда мамлакатимизда тизимли ислохотлар халқ манфаати йўлида қатъият билан амалга оширилаётганини ана шу ҳаётий далиллар ҳам яққол тасдиқлайди. Тизимдаги янгиланишлар фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд идораларига нисбатан ишончи ошиши, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратмоқда.

Гулруҳ АГЗАМОВА,

Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси

депутати

● Қонун қўмағи

Янги Конституциявий қоида даъвони қаноатлантиришга асос бўлди

Маълумки, маҳалла ватан ичра ватан саналади. Негаки, ҳар бир инсоннинг ҳам қувончли, ҳам ташвишли кунларига аввало маҳалла аҳли, қўни-қўшнилар шерик бўлишади. Маҳалладошлар бошини қовуштириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, ҳудуддаги эзгу ишларга бош-қош бўлиш фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралда имзоланган **“Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан муҳим ўрин тутди. Мазкур фармоннинг 28-банди (ушбу банд Президентимизнинг 2021 йил 18 октябрдаги ПФ-6324-сонли фармони асосида ўз кучини йўқотган)да 2020 йил 1 июлдан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ходимлари лавозим маошига 30 фоиз миқдоридида устама тўланиши белгиланган.

Аммо маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаган маргилонлик Мухторжон Бўроновга бундан

3 йил аввал бутун дунёни “забт этган” коронавирус пандемияси даврида — 2020 йил июль ойидан 2021 йил сентябрь ойига қадар ҳар ойда иш ҳақига қўшимча устама тўланмаган. Ваҳоланки, ўша синовли кунларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари фидокорона меҳнат қилишган.

Буни қарангки, М.Бўронов шаҳарда иш ҳақига устама ололмаган ягона маҳалла фуқаролар йиғини раиси эмас экан. Марғилон шаҳар ҳокимлиги бошқа маҳалла раисларига ҳам Президент фармонида белгиланган устамани тўламаган. Шу боис шаҳар адлия бўлими маҳалла фуқаролар йиғини раислари манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судига даъво аризалари киритди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суд мазкур даъволар бўйича қарор қа-

бул қилишда янги тахрирдаги Конституциямизга таянди. Унинг 20-моддасида **“Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевожита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўл-**



ланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”

дея қайд этилган. Ана шу асосларга таянган суд даъвони қаноатлантириб, Марғилон шаҳар ҳокимлигидан М.Бўронов фойдасига 6.370.986 сўм устама тўловини ундириш бўйича қарор қабул қилди. Умуман олганда, суд томонидан 39 нафар маҳалла оксоқоллари ва ходимларига 30 фоизлик устама ҳисобидан 293.098.777 сўм маблағ ундириб берилди. Янги конституциявий қонданнинг судда тўғридан-тўғри қўлланиши суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичи бўлиб, у қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, одил судлов сифатини оширишга хизмат қилаётганининг ёрқин намунасидир.

Ўткиржон ИСМОИЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро суди судьяси

● Таҳлил ва тақлиф

МУРОСА

қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Шуни таъкидлаш жоизки, медиация тартиб-таомиллари ҳамма низоларга нисбатан ҳам татбиқ этилмайди. Хусусан, “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, ушбу қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек яқка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Ушбу қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қилмаган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

да тузилган бўлса, суд уни тасдиқлашни рад этиши мумкин.

Бундан ташқари келишув битими тузилгани сабабли иш юритиш тугатилади, яъни даъвогар айнан бир асос ва айнан бир предмет (талаби) билан тақдоран судга мурожаат қилолмайди. Чунки келишув битимини тузган шахслар уни белгиланган тартиб ва муддатларда ихтиёрий равишда бажариши керак. Агар келишув битими ихтиёрий ижро этилмаса, у ҳолда даъвогарнинг илтимосномаси бўйича суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида мажбурий ижро этилади.

Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган тақдирда суд даъво аризасини Иқтисодий процессуал кодекснинг 107-моддаси 53-бандига асосан кўрмасдан қолдиради. Яъни агар медиатив келишув ихтиёрий равишда ижро этилмаса, даъвогарнинг тегишли талаблар билан тақдоран судга мурожаат

оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонидида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича тарафларни келиштириш ҳамда медиация институтини кенг жорий этиш бўйича асослангирлан таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда медиация институтини кенг жорий этиш мақсадида тарафларга ўзаро низоини муқобил усуллар билан ҳал қилиш имкониятларини бериш учун Иқтисодий процессуал кодексга келишув битими каби медиатив келишувини талаб этилса, медиатив келишув суд томонидан тасдиқлан-майди.

Агар келишув битимининг шартлари қонунчиликка зид, учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилса ҳамда у шартнома асоси-

лили шуни кўрсатадики, Навоий вилояти иқтисодий судлари томонидан шу йилнинг 8 ойи давомида тарафлар ўртасида медиатив келишув қўлланиши натижасида 62 та иш кўрмасдан қолдирилган.

Ушбу иқтисодий низоларнинг 26 таси (41,9 фоиз) кредит шарт-нотаси, 19 таси (30,6 фоиз) маҳсулот етказиш бериш, 4 таси (6,4 фоиз) пудрат шартномаси, қолганлари олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, лизинг ва бошқа шартномалар юзасидан вужудга келган.

Иқтисодий процессуал кодексда назарда тутилган низо-ларни ҳал этишининг икита муқо-бил усулларининг бир-биридан фарқи шундан иборатки, келишув битими иш юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳуж-жатиин ижро этиш жараёнида тузилиши мумкин бўлса, меди-атив келишув биринчи инстанция судида суд маспахатхонага кир-гунга қадар тузилиши мумкин. Бундан ташқари ишнинг кейинги босқичларида (апелляция, кас-сация тартибиди) медиатив ке-лишув тузишга йўл қўйилмайди.

Президентимизнинг 2023 йил 16 январдаги **“Одил суд-лов фаолиятини амалга**

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Албатта, буларнинг барчаси бежиз эмас. Зеро, мамлакатимиз табиати биохилма-хилликка бой бўлиб, 15 минг 700 га яқин ҳайвонот ва 4 минг 500 дан зиёд ўсимлик турлари мавжуд. Шундан 206 та фауна ва 314 та флора турлари "Ўзбекистон Қизил китоби"га киритилган.

Бугунги кунда юртимизда 47 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони қарийб 6,3 миллион гектардан зиёд. Бу эса, мамлакатимиз миллий ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил қилади ва энг юқори халқаро талабларга мос келади. Бинобарин, халқаро стандартларга кўра, айна кўрсаткич камида 10 фоздан иборат бўлиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, биохилма-хилликни сақлаш ҳамда ундан фойда-

■ Моҳият

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

ланиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёввойи ҳайвонларнинг табиий зотга оид турлари, айниқса, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган эндемик ёки маҳаллий турларининг барқарор яшаш шароитларини таъминлаш ҳамда сақлаб қолишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга йиртқич ва хавфли ёввойи, жумладан, экзотик ҳайвонларни ярим эркин шароитларда ёки тутқунликда сақлаш, улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш, уларни жамоат жойларида сайр қилдиришнинг турли хил нохуш ҳодисаларга олиб келиши ҳолатлари учраётганидан ҳам кўз

юмиб бўлмайди.

Бунинг устига айрим фуқароларнинг йиртқич ҳайвон ва хавфли жонзотларни оилавий ёки оммавий маросимларга олиб бориш ҳолатлари ортиб бормоқда. Бу эса атрофдагиларга жиддий хавф туғдирмоқда. Мисол учун айтсак, 2022 йилнинг ўзида 2 та айна шундай ҳолат қайд этилган. Бу ҳодисалар ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокамага сабаб бўлган эди.

Шунингдек, жорий йилнинг 7 апрелида Тошкент туманида яшовчи фуқаро хонадонидан ноқонуний боқиб келинган 3 ойлик арслон боласини кўчада сайр қилдирган. Бу жараёнда йиртқич ҳайвон 3 ёшли болага ҳамла қилган ва жиддий тан жароҳати етказган.

Бундай ҳолатлар, ўз навбатида, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки амалдаги қонун ҳужжатларида фуқаролар томонидан ёввойи йиртқич ҳайвон ва



хавфли жонзотларни уй шароитида сақлаш масаласи ҳуқуқий тартибга солилмаган. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, кўплаб давлатларда ҳукумат ёки экология соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган рўйхатда назарда тутилган ёввойи ва йиртқич ҳайвонларни ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳити ёки тутқунликда сақлаш тақиқланган.

Шу маънода, мамлакатимиз аҳолиси ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, фуқаролар томонидан жамоат тартибига риоя этилишини таъминлаш мақсадида миллий қонун ҳужжатларида бу борадаги чекловларни белгилаш таклиф этилмоқда.

Бинобарин, **“Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига қўшимча ва**

ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун ёввойи ҳайвонларни сақлаш ҳамда улардан турли мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолларда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга, қонунчилик ҳужжатлари ўртасидаги тафовутларни бартараф этишга, ваколатли давлат органининг ушбу йўналишдаги жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу ўзгартириш ҳамда қўшимчалар ёввойи ҳайвонларни тутқунликда ва сунъий яратилган яшаш муҳитида сақлашнинг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаш баробарида шундай фаолият тури билан шуғулланувчиларнинг мажбуриятларини ҳам тўлиқ бажаришга хизмат қилади.

Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Қўрғонтепалик якка тартибдаги тадбиркор Дилноза Сиддиқова ҳам давлатимиз раҳбарининг бу фикрларини диққат билан тинглади. Чиндан ҳам, у ўзи бошидан кечирган воқеа мисолида тадбиркорлар давлат ва суд ҳимоясида эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Хўш, Д.Сиддиқова қандай муаммага дуч келганди?

Гап шундаки, Д.Сиддиқова бундан икки йил аввал туман ҳудудидаги йўлларни таъмирлашда фаол иштирок этган бўлса-да, унинг хизмат ҳақи ўз вақтида тўлиб берилмаган.

Маълум бўлишича, якка тартибдаги тадбиркор Д.Сиддиқова ва “Қўрғонтепа тумани йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси ўртасида 2021 йил 4 январда 21-сонли, 2021 йил 1 апрелда 22-сонли транспорт ижара шартномалари тузилган. Шунга кўра, тадбиркор аёлга қарашли учта юк машинасидан шағал, қум-шағал ара-лашмаси, асфальт ва бошқа ашёларни ташишда фойдаланилган. Мазкур жараён 2021 йил 31 мартдан 2021 йил 30 декабрга қадар давом этиб, жами 427.062.543 сўмлик иш бажарилган. Бироқ йўлсозлар шартномада кўрсатилган транспорт хизматлари ҳақини тўлиқ тўлашмаган. Яъни тадбиркор аёлга 174 миллион сўм маблаг ўтказиб берилган, холос. Шундан сўнг

Ҳуқуқий ҳимоя

Тадбиркор аёл
МАНФААТИ

суд томонидан ҳимоя қилинди

тадбиркор аёл унитар корхонага қолган 253 миллион сўм миқдоридagi қарздорлиқни тўлаш ҳақида талабнома ҳам йўллаган. Лекин шартномавий мажбуриятини унутган жавобгар унинг талабларини оқибатсиз қолдирган. Айниқса, корхонага янги келган раҳбар қуюқ ваъдадан нарига ўтмаган.

Шундан сўнг Дилноза Сиддиқова Қўрғонтепа тумани адлия бўлимига мурожаат қилиб, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан қарздорлиқни ундиришда амалий ёрдам беришни сўрайди. Пировардида адлия бўлими томонидан тадбиркор манфаатини кўзлаб, Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий судига даъво

ариза киритилган.

Фуқаролик кодексининг 564-моддасига кўра, транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради, ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.


Шундан келиб чиқиб айтганда, тарафлар ўртасида 2023 йил 1 июль кунги имзоланган солиштирма далолатномага асосан жавобгарнинг даъвогар олдидagi қарзи 253.032.717 сўмни ташкил этган. Ушбу ҳолат судга тақдим қилинган ҳисоб-фактуралар,

тарафлар вакилларининг суд мажлисида берган кўрсатмалари билан ҳам ўз исботини тошган. Ана шу асосларга таянган Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий суди “Қўрғонтепа тумани йўллардан фойдаланиш” унитар корхонасидан якка тартибдаги тадбиркор Дилноза Сиддиқова фойдасига 253.032.717 сўм асосий қарзини ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди. Қолаверса, “Қўрғонтепа тумани йўллардан фойдаланиш” унитар корхонасидан 5.060.654 сўм давлат божи ҳам ундирилди.

Этироф этиш керакки, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Натижада юртимиздаги ички ва маҳаллий йўллар, давлат ҳамда халқаро аҳамиятга молик йўллар янада раво бўлиб, кўзни қувонтирадиган даражага етмоқда. Йўл бўйларида турли хизмат кўрсатиш объектлари қад ростламоқда. Умуман олганда, ҳалқимизнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлаётди. Албатта, бундай эзгу ишларда Дилноза Сиддиқова сингари тадбиркорларимиз ҳам фаол иштирок этишмоқда. Зеро, раво йўллар инсонларни нурли манзиллари сари елтади.

Иброҳим ЖўРАЕВ,
Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий суди судьяси

МЕЗОНЛАРИ



ёхуд судларда медиацация келишувини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Масалан, давлат муассасаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар корхонадан 120 000 000 сўм зарарни ундиришни сўраган. Ишни кўриш жараёнида тарафлар ўртасида гуёки медиатив келишув тузилган бўлиб, жавобгар даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида судга илтимоснома беради.

Аниқланишича, даъвогар судга мурожаат қилишига жавобгар томонидан давлатга зарар етказилгани сабаб бўлган.

Ушбу ҳолатда низо фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқмагани, медиатив келишув давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилишини эътиборга олиб, суд ишни мазмунан кўриб чиққан.

Ишни кўриш жараёнида низо медиатив келишув тузилиши билан ҳал қилишнинг яна бир жиҳати давлат божи билан боғлиқ. **“Давлат божи тўғрисида”**ги қонуннинг 18-моддаси 9-бандига асосан, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув ту-

зилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилиши керак. Чунки давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундирилгандаги мажбурий тўлов ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилгани муносабати билан судга мурожаат қилган шахснинг аризаси кўрмасдан қолдирилганда ваколатли муассаса, яъни суд томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайдиган. Яъни иш судга мазмунан кўрилмаган ва арз қилинган талаблар юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилинмайдиган.

Баъзи бир ҳолларда даъвогар судга мурожаат қилишда давлат божи тўлашдан озод этилгани, аммо унинг манфаатини кўзлаб ваколатли давлат органлари томонидан даъво аризаси киритилгани сабабли тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилса, иш бўйича олдиндан тўланманган давлат божи бирон-бир тарафдан ундирилмайдиган. Бироқ амалиётда ушбу имтиёздан но-

қонуний равишда фойдаланиш ҳақида уриниш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Масалан, Савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси Н. корхонаси манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва жавобгар “INVEST” корхонасидан 2 107 831 083 сўм асосий қарзини ундириб беришни сўраган. Ишни кўриш жараёнида тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилгани сабабли даъвогар даъво аризасини кўрмасдан қолдиришнинг илтимос қилган. Аниқланишича, даъвогар судга мурожаат қилгач, жавобгар 2 107 831 083 сўм қарзини тўлиқ тўлаб берган. Тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувда даъвогар даъводан воз кечгани кўрсатилган.

Суд низо юзасидан медиатив келишув тузилмагани сабабли ишни мазмунан кўриб чиқиб, низо бартараф этилганини инобатга олиб, даъвони рад этиш ҳақида ҳулосага келди. Бунда қардорлик судга даъво аризаси киритилгандан сўнг тўлангани сабабли Иқтисодий процессуал кодекснинг 118-моддасига асосан жавобгардан давлат божи ундирилди.

Суд бундай ҳулосага келишига қонуний асос сифатида **“Медиацация тўғрисида”**ги қонуннинг 29-моддаси биринчи қисмидаги қоидадан қўлланган. Ушбу қоидага мувофиқ, медиацация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилиши лозимлиги белгиланган.

Демак, агар келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш (яъни қарзни қайтариш) шартли ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришилмаган ҳолларда тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилмаган, деб ҳисобланиб, иш мазмунан судда кўриб чиқилиши лозим.

Ҳулоса ўрнида айтиш керакки, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда судлар тарафларнинг келишиши учун тегишли шариот яратиб, низо-ларни ҳал этишга фаол кўмаклашиши зарур.

Тимур АБДРАМАНОВ,
Навоий вилояти суди раиси ўринбосари

Маслаҳат

ИСТЕЪМОЛЧИ:
унинг ҳуқуқлари нималардан иборат?

◄ (Бошланиши 1-бетда)

2. МАҲСУЛОТ УЧУН ПУЛНИ ИСТАЛГАН
ШАКЛДА ТўЛАШИНГИЗ МУМКИН

Сотувчилар бирор-бир маҳсулотни пластик картадан харид қилсангиз қимматроқ, нақд пулга олсангиз, арзонроқ сотилади, деярлими? Бу мутлақо ноқонуний ҳолат. Чунки амалдаги қонун талабига кўра, маҳсулотлар учун ҳақ тўлаш нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда (пластик картадан ёки пул кўчириш орқали) амалга оширилиши мумкин. Сотувчининг ҳақ тўлаш шаклига қараб, маҳсулотнинг айна бир маркази учун ҳар хил нархлар белгиланган, шу жумладан, нархни сунъий равишда ошириши ёки пасайтириши тақиқланади.

3. МАҲСУЛОТ УЧУН ЧЕК ТАЛАБ ҚИЛИШНИ УНУТМАНГ!

Ҳар бир маҳсулотни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади. Чунки харид чеки сотувчи ва хариддор ўртасида тузилган шартноманинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Шунингдек, чек маҳсулотни қайтариш ёки алмаштириш жараёнида харид ҳақиқатдан ҳам, амалга оширилганини исботловчи далил бўлади. Шунингдек, маҳсулот чеки зарур ҳолларда истеъмолчига на-зорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

4. МАҲСУЛОТ СОҒЛИҚҚА ЗАРАР ЕТКАЗМАСЛИГИГА
КАФОЛАТ БЕРИЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Истеъмолчи ўзи сотиб олган маҳсулот санитария-гигиена, шу жумладан, радиология, эпидемияга қарши талаб ва қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган, инсон ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлиши, шунингдек, унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқарувчи маҳсулотнинг яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, маҳсулот сотилгандан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқарувчи, норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган, мувофиқлик сертификати берган орган, соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли маҳсулотга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Маҳсулотнинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар маҳсулотнинг яроқлилик муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, ишлаб чиқарилган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

5. НУҚСОНЛИ МАҲСУЛОТНИ АЛМАШТИРИШ
ЁКИ НАРХНИ КАМАЙТИРИШ ҲУҚУҚИ

Сиз истеъмолчи сифатида нуқсонли маҳсулот харид қилган, аммо бу ҳолат маҳсулот харид қилиш пайтида айтилмаган бўлса, хоҳишингизга қараб қуйидагилардан бирини талаб қилиш ҳуқуқига эгасиз:

- маҳсулотни айна шундай маркадаги мақбул сифатлисига алмаштириб бериш;
- маҳсулотни бошқа маркадаги шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- маҳсулотнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларни қоплаш;
- харид нархини нуқсонга муносиб равишда камайтириш;
- қўрилган зарар ўрнини қоплаш.

Бунда нуқсонлар кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган маҳсулотлар бўйича 6 ой мобайнида аниқланган бўлиши лозим.

Айтиш керакки, истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган маҳсулотлар бўйича эса, расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилган тақдирда қўриб чиқилади.

Истеъмолчи маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликлар ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи уни айна шундай маркадаги маҳсулотга 7 кунлик муддатда, маҳсулот сифатини сотувчи томонидан қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан 20 кун ичида алмаштириб бериши шарт. Айна шундай маркадаги маҳсулот бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш талаби бир ой ичида қондирилиши керак.

Ушбу муддатлар ўтказиб юборилган тақдирда ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун маҳсулот баҳосининг 1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

6. ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТИДА ҲУҚУҚЛАР БУЗИЛГАН
ТАҚДИРДА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРГА МУРОЖААТ
ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Истеъмолчилар сотувчилар билан шартноманинг муносабатларга киришган-киришмагандан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи маҳсулотнинг нуқсонли туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчи ҳуқуқлари бузилган тақдирда: ҳокимликлар, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ёки Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилиши мумкин.

Ҳокимликлар истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қўриб чиқади ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этади.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари эса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчига қўрсатмалар юборади, истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни судга қадар ҳал қилишни ташкил этишга кўмаклашади ҳамда суд мажлисларида мутахассис сифатида белгиланган тартибда иштирок этади.

Бундан ташқари истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, тўғридан тўғри судга мурожаат қилиши ҳам мумкин.

Мақсуд МУСТАФОЕВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

Тарих тилсимлари



◀(Бошланиши 1-бетда)

Буюк ҳукмдорнинг тўнғич ўғли бўлган Жаҳонгир Мирзо 1356 йилда таваллуд топган. У болалигиданоқ отасининг ёнида барча жангу жадалларда иштирок этади. Шу тариқа улғайиб, ўн уч-ўн тўрт ёшидан тажрибали амирлар қаторида ҳарбий юришларда иштирок этади. Жаҳонгир Мирзо 1373 йили Хоразм ҳукмдори Юсуф сўфининг Севинчбека исмли жиянига катта тўю-тантана билан уйлантирилади. Тарихий манбаларда Жаҳонгир Мирзонинг яна бир аёлининг исми Руқия бўлиб, у амир Кайхисравнинг қизи экани баён этилган. Яна бир

аёлининг исми Хонзода бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур тўнғич ўғлини жуда яхши кўрган. Шу боис у Жаҳонгир Мирзони валиаҳд этиб тайинлаб, унга ўн икки минг нафар отлик аскарни инъом қилган. Аммо валиаҳдга шох бўлишлик насиб этмади. Чунки у 1376 йилда йигирма ёшида тўсатдан оламдан ўтади. Жаҳонгир Мирзодан икки ўғил қолади. Тўнғичи Муҳаммад Султон бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур уни ҳам валиаҳд этиб тайинлайди. Аммо тожу тахт Муҳаммад Султонга ҳам насиб этмай, фоний дунё-ни тарк этади. Муҳаммад

Султондан уч ўғил қолади. Жаҳонгир Мирзонинг кичик ўғли Пирмуҳаммад отлик бўлган. Соҳибқирон вафотидан олдин уни валиаҳд этиб тайинлайди. Аммо Пирмуҳаммадга ҳам шох бўлиш насиб этмади. Ундан Қайду, Ҳолид, Яхё, Бузинжар, Маҳдий, Санжар, Қайсар исмли етти ўғил қолади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо 1356 йилда туғилган, 1394 йилда вафот этган. Умаршайх Мирзо Ҳармоту қалъасида сайр қилаётганда тасодифан отилган ўқ тегиши туфайли ҳалок бўлади.

Умаршайх Мирзодан беш нафар ўғил қолади. Катта-

сининг исми Пирмуҳаммад, иккинчиси Рустам, учинчиси Искандар, тўртинчиси Аҳмад, бешинчиси Бойқаро бўлган. Бешинчи ўғлининг невараси Ҳусайн Бойқаро одил ва маърифатли ҳукмдор сифатида тарихда ёрқин из қолдирган.

Учинчи ўғил Мироншоҳ 1367 йил туғилган. Мироншоҳ Мирзо Озарбайжонни бошқарар эди. У бу юртда кўплаб ободонлаштириш ишлари амалга оширган, хусусан, масжид, мадраса ва саройлар барпо этган.

Кунларнинг бирида Мироншоҳ Мирзо шикорга чиққан пайтида отдан йиқилиб, боши қаттиқ лат ёйди.

Бунинг оқибатида шахзода-нинг хатти-ҳаракатлари тушуниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетади. Албатта, ўғлининг бу ҳаракатларига қарши Соҳибқирон Амир Темур турли чора-тадбирлар кўрган. Мироншоҳ Мирзо отасининг вафотидан сўнг 1408-йилда туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади.

Кенжа ўғил Шоҳруҳ Мирзо 1377 йилда туғилган бўлиб, у вазмин ва иродаси кучли одам бўлган. Ҳар доим мулоҳаза билан иш тутган. Қолаверса, у хоҳ ҳарбий иш бўлсин, хоҳ давлат иши бўлсин, хоҳ дин ва шариат арконлари билан боғлиқ иш бўлсин — ҳаммасини ўз вақтида, ўз ўрнида адо этишга одатланган.

Шоҳруҳ Мирзо отасининг вафотидан сўнг 1447 йилда вафот этади. Ундан тўққиз ўғил ва олти қиз қолган. Дунё тан олган аллома, юлдузлар илмининг султони Мирзо Улуғбек унинг фарзандидир. Кўриниб турганидек, Соҳибқирон Амир Темурнинг фарзандлари ва авлодлари буюк салтанат ривожига салмоқли ҳисса қўшишган.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Қизиқарли фактлар

Асли исм-шарифи Агата Мери Кларисса Миллер бўлган машҳур адиба Агата Кристи 1890 йилда Англияда таваллуд топган. У болалигида жуда уятчан қизалоқ бўлган.



Биринчи жаҳон урушига қадар ёш Агата тез-тез инглиз аслзодалари доирасидаги кечаларга бориб турарди. Париж пансионатида ўқиш давомида қизнинг ўзи-га бўлган ишончи ортди. Шундай кунларнинг бирида у қироллик лейтенанти Арчибалд Кристи билан танишиб қолади. Ёшлар тез орада унаштирилиб, тўй бўлиб ўтади. Чунки Арчи тез орада урушга жўнаши лозим эди.

Агата ҳарбий госпиталда ишлаб бошлайди. Илк марта ҳаёлида туғилган ҳикояларни шу ерда ёзиб қўяди. Машҳур Эркюль Пуаро номли қаҳрамон ҳам шу асно яратилади. Агата унинг ташқи кўринишини ифодалар экан, уни қўчада кўриб қолган реал шахсга қараб яратади.

Орадан вақт ўтиб, Арчибалд урушдан қайтади ва рўзгор тебратиш мақсадида тадбиркорлик қилишга уриниб кўради. Бу орада уларнинг қиз фарзанди дунёга келади. Унга Розалинда деб исм қўйишади. Лекин улар яшайдиган хонадон оила учун торлик қиларди. Тадбиркорлик ишлари ҳам юришмайди. Шундай моддий қийинчиликлар даврида эри Агатага ҳазил аралаш шундай таклифни айтади: “Ёзганларингни чоп этиб кўрмаймизми?”

Шундан сўнг Агата ёзиш ҳақида жиддий ўйлай бошлайди. Аммо “Стэйлздаги сирли ҳодиса” асарини олти наشريёт рад қилади. Аммо бунга қарамай эри Арчи уни еттинчи наشريётга олиб боришга ундайди...

Ҳа, Арчи ҳақ экан: романни чоп этишади, ҳатто 25 инглиз фунтида қалам ҳақи ҳам беришади. “Энди сен бо-йиб кетасан”, — дейди Арчи ишонч билан.

Олти йил давомида, яъни 1920-26 йилларда Агата Кристининг олти романи чоп қилинади. Пуаро образи эса машҳурликда Шерлок Холмс даражасига етай дейди. Агата ва эри ижара муаммосидан кутулиб, шаҳардан шахсий уй ҳарид қилишади, ҳатто автомашинали бўлишади.

Аммо ҳаётининг ёруғ кунлари узокқа чўзилмайди. Аввалига Агатанинг онаси вафот этади. Бунга кўникишга улгурмай туриб, яна бир бахтсизлик ўш беради. Арчибалд Кристи бошқа аёлга кўнгли қўйганини маълум қилади.

Албатта, оилада жанжал чиқади. Арчи эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетади ва тонгда қайтиб келади. Аммо хонадон бўш бўш эди: фақат Агата ҳақ ташлаб кетганди. У автомашинада бошқа шахарга кетганини ёзиб қолдирганди.

Табиийки, кўрқува тушган қўйи рафиқасининг ортидан борган Арчи йўлда фақат бузилган автомобилни топади. Адиба йўқолиб қолганди, оилавий жанжал криминал жараёнга айланади. Бу пайтда Агата Кристи Англияда номдор ёзувчи эди, уни қидириш

ишларига маҳаллий полиция аралашади, 15 минг нафар киши кўнглиги сифатида қидирув ишларида қатнашади. Албатта, биринчи гумондор бу бевафо эр эди. Бироқ кейинчалик аён бўлишича, Кристининг чиндан ҳам, бунга алоқаси йўқ экан.

Орадан ўн кун ўтади. Охир-оқибат Агата санаториядан топишади. Шу вақтга қадар у бу ерда муолажалар олар, фортопиано чалар, умуман айтганда, вақтини чоғ ўтказарди. Бироқ энг ғалатиси шунда эдики, адиба бу ерга Тереза Нил исм-шарифи билан рўйхатдан ўтганди. Тереза — эри кўнгли қўйган аёлнинг исми эди.

Орадан икки йил ўтиб, у Арчибалд билан ажрашади. Аммо у ўз қарори бўласида умрининг охиригача ҳеч қандай изоҳ бермайди.

Шундан сўнг Агата ишлаш ва саёҳат қилишга қарор қилади. У Шарқ экспресси поездига Богдодга йўл олади. Айнан ўша ерда, Ироқда, адиба архитектор Макс Маллоуэн билан танишиб қолади.

М.Маллоуэн қадимий шаҳарни таништириш учун унга гид бўлиб ёлланганди. Бутун мавсум давомида унинг ёнида бўлади: мамлакатни таништиради, қадимий цивилизация тарихи ҳақида сўзлаб беради. “Ушанда мен бунинг оқибати қандай тугаши ҳақда кўп ўйлардим. Макс жуда ажойиб инсон эди. Шунчалик хотиржамки, юпатишга шошилмасди. У гапдан кўра, амалда ўрناк бўларди. Керакли ишни қилар, бу эса тўғри танлов бўларди”, деб ёзганди Агата ўз эсдаликларида.

Хуллас, мавсум тугагач, археолог уни Англияга кузатиб қўядиган бўлади. Кейин эса, аёлнинг кўлини сўрайди. Агата ҳам унга нисбатан беради. Бироқ турмуш қуриш таклифини дарҳол қабул қилмайди. У оила қуришдан чўчири, аввалги хатосини такороллашни истамасди.

Охир-оқибат улар оила қуришади. Уларнинг турмуши бахтли кечадди. Биргаликда яқин Шарқни кезиб чиқишади, адиба сафар давомида кўплаб детектив асарларни қоғозга туширади.

Улар умр сўнгигача бахтиёр яшашди. Агата Кристи 1976 йил 85 ёшида вафот этади. Икки йил ўтиб, эри ҳам дунёдан кўз юмади. Адибанинг вафотидан сўнг Эркюль Пуаро ҳақида сўнги романи ва автобиографияси нашр қилинади.

“Яратган эгам, эзуликка тўла умр ва менга берилган меҳр-муҳаббат учун сенга ташаккур”, деб тугатганди у сўнги қоралмаларини.

Ҳозирга қадар Агата Кристининг 60 та детектив романи, 6 та психологик романи, 19 та ҳикоялар тўплами нашр этилган. Бундан ташқари китоблари 4 миллиарддан ортиқ ададда дунёнинг юзлаб тилларига таржима қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд Аппарати раҳбари Абдухалим Холмаҳматовга укаси

Тура Бўриевнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Содир этилган ҳар қандай жиноят жамият учун хатарли иллат ҳисобланади. Ана шу иллатнинг вояга етмаганлар томонидан содир этилиши шу юртнинг эртанги фаровон ҳаётини ўйлаган, нурли келажаги учун қайғурган, тинчлиги ва ошйишталлигига ўзини дахлдор, деб билган кишини ташвишлантирмаслиги асло мумкин эмас.

Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларида биридир. Бугунги кунда ёш авлод замонавий билим ва кенг дунёқараш билан ҳаётга қадам қўймоқда. Дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, спорт мусобақаларида Ватанимиз байрогини баланд кўтараётган ёшлар жуда кўп. Бу ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси саналади.

Аммо ҳаётда билиб-билмай жиноят қўчасига кириб қолаётган вояга етмаган шахслар ҳам учраб туради. Статистик маълумотга қараганда, 2019 – 2022 йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони уч ярим бараварга ошган.

Миллий қонунчилигимизда вояга етмаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашнинг аниқ меъёрлари белгилаб қўйилган. Хусусан, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга асосий жазо тариқасида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилиши мумкин.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар қўлланилмайди. Ҳуқм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан



озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ белгиб қўйилган. Шунингдек, ўта оғир жиноят содир этган вояга етмаган шахсга тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати ўн беш йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳақиқат шуки, бола ҳеч қачон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳўш, у ҳолда боланинг жиноят кўчасига кириши сабаблари нима билан изоҳланади? Баъзи болаларнинг тафаккури ва дунёқарашиди маънавий бўшлиқ борми? Умуман, вояга етмаган шахсларнинг жиноят содир этиши сабаблари, унга имкон берган омили ва шарт-шароитлар қандай хусусиятларга эга? Бу каби саволларга жавоб излашдан олдин қуйидаги ҳаётий мисолга эътибор қаратишни лозим топдик.

Жомбойлик Барот Абдуҷалилов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўн тўрт, унинг жиноий шериги Неъматулла Худоёров ўн уч ёшида илк бор ўғирлик жиноятига қўл уриб,

Турмуш чорраҳаларида



суднинг қора курсисиди ўтирган. Биринчи босқич судининг 2021 йил 22 декабрдаги айблов ҳукми билан ҳар иккала судланувчига икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қийин экан. Жазони ўташ даврида жиноий шериклар яна ўғирликка қўл уришади. 2022 йилнинг 3 мартида суд уларга нисбатан икки йил бир ой муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқаради.

Шу ўринда айтиш керакки, Б.Абдуҷалилов ва Н.Худоёровга нисбатан амалдаги қонунларимизда белгиланган бағрикенглик тамойили қўлланилган. Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг 2022 йил 12 октябрдаги ажрими билан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмасдан қолган бир йил, беш ой, йигирма кунлик қисмини шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган.

Афсуски, улар бу бағрикенглик ва муруватнинг моҳиятини тўғри

англаб етмайди. Озодликни чеклаш жазосини ўташдан бўйин товлагани учун жиноят ишлари бўйича Жомбой тумани судининг 2023 йил 28 февралдаги ажрими билан жазонинг қолган бир йил, бир ой, ўн етти кунлик қисми шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилади.

Буни қарангки, қайта-қайта жазо олса-да, Б.Абдуҷалилов ва Н.Худоёров яна жиноят қўчасига қадам босишган. Улар Ш.Нарзуллаеванинг хонадонига ўғирликка тушиб, нархи 1 миллион 300 минг сўмлик чанг ютич, 1 миллион 500 минг сўмлик гўшт қўймалагич, 1 миллион сўмлик плеев ва 500 минг сўмлик икки донна овоз чиқарувчи мосламини талон-торож қилишган.

Вояга етмаган судланувчилар Б.Абдуҷалилов ва Н.Худоёров хавфли рецидивист ҳисобланиб, олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, жабрланувчининг мулкларини яширин равишда талон-торож қилгани суд

мажлисида тўлиқ ўз тасдиғини топди. Шу боис суд уларни мулкка қарши оғир жиноят содир этган, жиноятга мойиллик кучли, деган тўхтамага келди. Ушбу ҳолатларни эътиборга олиб, суд муқаддам жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан ҳар иккала судланувчига уч йил бир ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Маълум бўлишича, ҳар иккала судланувчи носоғлом оила муҳитида ўсган. Ота-она улар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Болалар бўш вақтини ўқиш ёки касб-ҳунар ўрганишга сарфлаш ўрнига бесамар ўтказган. Оқибатда уларда қандай йўл билан бўлса-да, пул топиш истаги пайдо бўлган ва бу хоҳиш оқибатида улар салбий иллатлар таъсирига тушиб қолишган.

Халқимиз “Қуш инидида кўрганини қилади”, “Бола азиз – одоби ундан азиз” сингари ҳикматга бой нақлларни бежизга айтмаган. Афсуски, болаларнинг салбий иллат

таъсирига тушиб қолишига биринчи галда ота-она сабабчи. Чунки оиладаги тарбия ёш авлод учун ниҳоятда муҳим. Айнан оилада фарзандлар онг-шуурига ҳалоллик, рост-гўйлик, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилиш, меҳр-оқибат, катта-кичикка иззат-ҳурмат кўрсатиш сингари инсоний фазилатлар сингирдирилмоғи лозим.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг тарбияси кўп жиҳатдан оиладаги муҳит ва таълим-тарбияга чамбарчас боғлиқ. Бунда оила ва таълим муассасасининг вояга етмаганлар назорати борасидаги ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, таълим-тарбия ҳаёт-мамонт масаласи эканига яна бир исботдир.

Абдусаттор АБДУРАЗЗОҚОВ,
жиноят ишлари бўйича
Жомбой
тумани суди раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч — адолатда”
муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-915 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 4370
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 21⁰⁰.